

Ибн Атоуллоҳ Сақандарий раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳикматлари



11:00 / 27.12.2020 1820

كَلِّمِ الْوَالِدَ وَالْوَالِدَاتَ بِمَا يَكْفُرْنَ لَهُمْ وَاُولَئِكَ يَكْفُرُونَ
لَهُمْ دُونَ ذَلِكَ وَمَنْ يُؤْمَرْ بِالْعَمَلِ فَلْيُجِدْ فِيهِ صِدْقًا مِّنَ اللَّهِ وَهُدًى رَّحِيمًا

Айбингни ўта яхши билатуриб дўст бўлгандан бошқа ҳеч ким сенга дўст бўлмас. Бу эса карамли Хожангдан бошқа эмас. Дўст тутинганларнинг энг яхшиси сендан қайтадиган нарса учун изламаганидир.

Ибн Атоуллоҳ Сақандарий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу ҳикматда ҳар бир банда учун Аллоҳ таолонинг Ўзидан ўзга яқин дўст бўлмаслигини баён қилмоқда.

Одатда банданинг яқин дўсти ўзига ўхшаган банда бўлишига одатланиб қолинган. Ҳар банданинг, ким бўлишидан қатъи назар, ўзига дўст танлашда ишга соладиган мезони дўст бўлиши кутилаётган одамнинг айби йўқ бўлишига, ҳеч бўлмаса айби энг кам шахс бўлишига қизиқишдир. Шунинг учун ҳам одам боласи ўзига дўст тутмоқчи бўлган одамнинг айбини сезиши билан ундан қочишга, бошқа дўст ахтаришга ўтади. Бундай ҳолат дўстликка номзоднинг битта ёки иккита айбини билганда кузатилади. Унинг битта эмас, ўнта айбини билганда ҳолат қандай бўлишини ҳар ким ўзи тасаввур қилиб олаверса бўлади. Банданинг ҳоли

шу.

Аммо банданинг Робби унинг барча айбларини, ҳаттоки кўз қири билан қилган хиёнатларини ҳам билиб турса ҳам, уни Ўзига энг яқин дўст тутади.

«Айбингни ўта яхши билатуриб дўст бўлгандан бошқа ҳеч ким сенга дўст бўлмас. Бу эса карамли Хожангдан бошқа эмас».

Ўта карамли бўлган Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина банданинг энг яқин соҳиби бўлур. У Зотдан ўзга ҳеч бир зот бандага Унингчалик яқин дўст бўлмас.

Бу улкан ҳақиқатни англаб етган банда Аллоҳ таолони дўст тутмоғи лозим. У Зотнинг дўстлиги ҳақиқати ҳақида етарли маърифат ҳосил қилмоғи керак. У Зотга нисбатан зоҳирда ҳам, ботинда ҳам одобли бўлмоғи зарур. У Зотнинг амрига хилоф қилишдан, наҳйисига саркашлик қилишдан ҳаё қилмоғи шарт.

لَا أَقَامَ لَسَوْوَهِيَ لَعَلَّ لِي لَصِيَّبِي نَلَا نَعُ، نَعُ لِي لِي صَرَّهَ لَلِ دَبْعُ نَعُ
يُحْتَسِنُ أَنْ لَلِ لُؤْسِرَ أَي: أَنْ لُقْ، أَي خَلَّ قَح لَلِ نَمِ أُوَيْحَتْ سَا
نُ أَي خَلَّ قَح لَلِ نَمِ أَي حَتْ سَا لَلِ نَكَلَو، كَادَ سَيَل: لَقْ، لَلِ دُمُ خَلَّ لَو
نَمَو، يَلَبُّ لَو تَمُّ لَلِ رُكُودَتَلَو، يَوَحْ أَمَو نَطَبُّ لَو، يَغَو أَمَو سَأَرُّ لَطْفَحَتْ
قَح لَلِ نَمِ أَي حَتْ سَا دَقَفَ كَلَّ ذَلَعَفَ نَمَف، أَي نَدَلَا نِي زَكْرَتَ عَرَحَ أَلَا دَارَا
مُ كَخَلَّ لَو دُمُ خَلَّ أَوِي دُمُ رَّتَلَا هَاوَر. أَي خَلَّ ل

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилинглар», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Албатта, биз ҳаё қиламиз, алҳамдулиллаҳ», дедик.

«Ундай эмас. Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бошни ва у ўз ичига олган нарсаларни, қоринни ва у ўз ичига олган нарсаларни сақламоғингдир. Ўлимни ва чиришни эсламоғингдир. Ким охиратни хоҳласа, дунё зийнатини тарк қилур. Ким ўшаларни қилса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлур», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилганлар.

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақиқий ҳаё одамлар ўйлаб юрадиган баъзи бир ишларни қилишдан уялишгина эмаслигини, балки ҳақиқий ҳаё улкан бир маънони ўз ичига олишини баён қилмоқдалар.

«Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бошни ва у ўз ичига олган нарсаларни, қоринни ва у ўз ичига олган нарсаларни сақламоғингдир».

Бош ўз ичига олган нарсалар – кўз, қулоқ, бурун, оғиз ва тил эканини билиб қўйиш лозим. Ушбу нарсаларни ёмонликдан сақлаш ила Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилишнинг баъзи шартлари юзага келар экан.

Қорин ўз ичига олган нарсалар жумласида озуқалар ва фарж бор. Демак, озуқанинг ҳалол бўлиши ва фаржнинг гуноҳдан сақланиши ила Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилишнинг баъзи шартлари юзага келар экан.

«Ўлимни ва чиришни эсламоғингдир».

Ўлимни эсламаган одам ҳеч нарсадан ҳаё қилмайди. Қабрда чиришини эсламаган ҳеч нарсадан ҳаё қилмайди.

«Ким охиратни хоҳласа, дунё зийнاتини тарк қилур».

Албатта, бу ерда Аллоҳ таоло ҳалол қилган зийнатларни тарк қилиш ҳақида эмас, Аллоҳ таоло ҳаром қилган зийнатлар ҳақида сўз кетмоқда.

«Ким ўшаларни қилса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлур».

Ким бу ҳадиси шарифда айтиб ўтилган ишларни мукамал қилган бўлса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлур. Ҳа, мўмин-мусулмон одам Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиши зарур.

Шундай бўлгандан кейин ўзини билган банда одамлардан бирортасининг мақтовига учмаслиги, ҳурмат қилишидан ғурурга кетмаслиги ва маддоҳлигидан хурсанд бўлмаслиги лозим бўлади.

«Хислатли ҳикматлар шарҳи» китоби асосида тайёрланди